

Мутафаккир шоир Навоий оллох ва олам, олам ва одам, хаёт мохиятию инсон умрининг мазмуни хакида кенг ва теран мулохаза юритган. Барча даврлар ва замонлар учун етук донишманд хисобланган Навоийнинг бадиият пардасига ўраб такдим этилган бу борадаги фикр-мушохадалари ўзининг фавкулодда теранлиги, фалсафий салмоги ва бадиий мукамаллиги билан алохида ажралиб туради. Айтайлик, дунёнинг нотекис яратилганлиги, фалакнинг тубанлигию такдирнинг нотантилиги, хаётнинг шафкатсизлигию замоннинг адолатсизлиги хакида ёзилган асарлар, байту мисраларнинг хадду хисоби йўқ. Албатта, Навоий ижодида ҳам фалакдан, дунёдан, замондан, одамлардан шикоят килиб ёзилган сатрлар мавжуд. Лекин сўз оллохнинг зоти, сифати, яратувчилик кудрати хакида борганда, сира норозилик оханглари, исён овозини эшитмаймиз. Чунончи, шоир бу хусусда мазкур байтни битади:

Бу коргахда хато келмади чу бир сари мўй,  
Хато менинг назаримдандур, хато кўрсам.

Мазмуни: “Бу дунёда битта кил хам бесабаб пайдо бўлмаган. Агарда мен бирор нарсада хато кўрсам, у, аслида, ўша нарсанинг чиндан хам хато яратилганлиги туфайли эмас, балки, менинг нуқтаи назаримнинг кусурли эканлигидандир”. Яъни, бу дунёда нимаики менга номувофик, ортикча, кераксиз, нотўгри бўлиб кўринса, бу ўша нарсанинг хакикатдан хам мен ўйлаганимчалик ўринсиз эканидан эмас, балки менинг карашимнинг хатолиги туфайлидир, деган маънога ишора этилган.

Байтда иккита тушунарсиз сўз мавжуд: биринчиси – коргах. Бу сўзнинг лугавий маъноси – ишхона, корхона, дўкон, иш жойи. Бирор иш амалга ошириладиган жой ёки нарса. Масалан, тўкувчилик дастгохи. Мажозий маънода эса, бирор-бир манзил, кароргох, жумладан, дунё, олам маъносида хам кўлланади. Мирзо Бедил бу дунёни “коргахи кумоши шаббоф” – “тунда нафис матолар тўкийдиган корхона”, мажозий маънода, “зулмат, яъни, гафлатнинг нафис матосини тўкийдиган корхона”, деб атайди. Яъни, ранг-баранг нарсалари билан одамларнинг кўзини ўйнатиб, уларни гафлат тўрларига ўрайдиган ва максаддан чалгитадиган жой. Навоий хам бу сўзни, айнан, дунё маъносида кўп кўллайди. Чунончи, “Наводир уш-шабоф” девонидан ўрин олган газалларидан бирида ёзади:

Бода тутким, бу улуг коргах ахволиндин  
Хеч фахм ўлмади хар неча хаёлот айлаб.

Мазмуни: “Май тутки, бу дунё сиру синоати хакида хар канча ўйлаб, мушохада юритиб,

тасаввуру тахайюлга берилсам-да, хеч нарса маълум бўлмади”.

Бу ерда, албатта, бода ва унинг май, шароб каби маънодошлари тасаввуф адабиётида илохий тажаллий тимсоли, ишк ва ирфон рамзи бўлиб келади. Шунга мувофик, мастлик илохий маърифатдан хузурланишни, маънавий завк дарёсига гарк бўлишни билдиради.

Тажаллий – кўриниш, жилваланиш. Гайбдан келадиган ва калбда намоён бўладиган илохий нур ва сирлар. Хак таоло хамиша хамма ерда турли даражада тажаллий этади. Ирфон (маърифат) – оллох мохияти хакидаги илм.

Маълум бўладики, шоир хулосасига кўра, бу илохий сир-синоатнинг тубига етиб бўлмайди, бинобарин, хак санъати мушоҳадасидан хайратланиш, завкланиш лозим.

Энди, юкорида келтирилган байтга кайтсак, иккинчи тушунарсиз сўз – сари мўй. Сари мўй – бошдаги сочининг бир тукича, сочининг бир учича, килча, яъни, заррача, озгина, арзимас даражада маъноларини билдиради. Демак, шоир бирор нарса, хатто, у килча бўлса хам, заррача бўлса хам муайян максадсиз яратилмаган, бирор вазифадан холи эмас, ўзининг муқим ўрнига эга, илохий хикмат ва хизматга молик, деган фикрни илгари сурапти.

Бу жихатдан куйидаги хикоят диккатга сазовор: машхур тарикат пири, тасаввуф олими ва мутасаввиф шоир Ахмади Жом хузуридаги бир мажлисда мутакаллим ва сўфий ўртасида мунозара бошланади. Мутакаллим: “Ит ва мушукда зухур этган худодан безорман!” – деса, сўфий: “Мен ит ва мушукда зухур этмаган худодан безорман!” – дейди. Мажлис ахли: “Бу иккисидан бири, шубхасиз, куфрга кетди-ёв...” – деган хаёлга борадилар. Шунда шайх мунозарага ойдинлик киритади: “Мутакаллим назарида ит ва мушук – энг тубан махлуклар хисобланади. Худода нуксон кўришни истамагани учун хам у шундай олий хилкатнинг шундай тубан махлукларда зухур этишини истамайди. Аслида, сўфийнинг хам максади шу: оламни яратган худо ундаги барча жонли ва жонсиз мавжудотда зухур этиши керак, акс холда, у кусурли бўлади. Маълум бўладики, иккаласининг хам максади худони барча нуксонлардан пок кўрмокчи ва чиндан хам худо барча нуксонлардан покдир”.

Бу ерда гарчи нияти эзгу, тўгри, пок бўлса-да, мутакаллим нуктаи назарининг бир кадар чекланганлиги кўзга ташланади, чунки у худони ва дунёни ўзи хохлаганича – акли, илми, идроку тахайюли даражасида кўришни истайди ва, айни шу истакда, унинг дунёкарашининг чекланганлиги яққол намоён бўлади. Сўфий эса, масалага ўз нуктаи назари ва хоши-истагидан келиб чиқиб эмас, балки олий хакикатга асосланган холда, бирмунча кенг карайди. Унинг эътиқодига кўра, оллох жамоли ва камолининг кўзгуси бўлган бу оламдаги хар бир заррада илохий нур жилваланади – бусиз олам мукамал бўлмас эди.

Ривоятнинг келтирилган байтга дахлдорлиги, унинг мазмунини ёркин очишга хизмат қилиши хам шунда: бу дунёда хеч нарса, хатто, бир кил хам сабабсиз яратилган эмас – хаммасида бир илохий хикмат бор, бинобарин, инсон бирор-бир нарсани ўринсиз деб билар, бирор-бир нарсада кусур кўрар экан, бу ўша нарсанинг чиндан хам кераксизлиги ёки кусурлилигини кўрсатмайди, билъакс шундай мушоҳада юритаётган кишининг нотўгри ўйлаётгани, мохиятни тушунмаётгани, хуллас, дунёкарашининг чекланганлиги – хато килаётганидан далолат беради.

Навоийнинг баъзи фикру ташбехлари газалдан-газалга кўчиб юради. Лекин шоир уларни шунчаки такрорлаб кўя қолмайди, балки, муайян фикрни давом эттиради, унинг янги маъно киррасини очади, шархини келтиради. Бинобарин, шоирнинг у ёки бу байтини шархлаш учун узокка бориб ўтирмай, “Хазойин ул-маоний”, “Хамса” дostonлари

ёки бошка асарларидаги унга якин, муштарак байтлар асосида унинг турли маъно кирраларини очиш мумкин. Коргах – дунё мохияти борасидаги байтлари хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Чунончи: “Садди Искандарий” достонида Искандарнинг саволига Арастуниг жавоби мисолида шоир бу масалага ҳам ойдинлик киритиб кетади:

Неким офаринишка пайвастадур,  
Бори бир-бирисига вобастадур.

Бир иш деса бўлмас “сазovor эмас” –  
Ки, бир ришта тоб анда бекор эмас.

Бу худ собит ўлдики, йўк ҳеч зот  
Ва ё ҳеч аъфол ёхуд сифот –

Ки, зимнида хосияте бўлмагай,  
Вужудида кайфияте бўлмагай.

Мазмуни: “Борликдаги барча нарсалар бир-бирига боғлиқдир – бирор нарсани мувофик эмас деб бўлмайдиган, чунки, ҳатто кил ҳам унда бекор яратилмаган: зот, феъллар ва сифатлар шундай муқаррар бўлганки, улардан ҳар бирининг асосида бир ҳислат, вужудида бир хусусият мавжуд”.

Зот деганда тасаввуф аҳли мутлак руҳнинг ўзини, илоҳиёт оламининг жавҳари, яъни, абадий ва азалий ваҳдатнинг мохиятини тушунганлар.

Сифот – сифатлар. Илоҳий зотнинг аёнлашувчи, унинг кудрат ва хусусиятлари. Барча руҳий ва моддий оламлар, жумладан, инсон ҳам шу сифатлардан иборат.

Афъол – феъллар, ҳаракатлар, килмишлар, ишлар.

Ҳақиқатан ҳам, шоирнинг айна мазмундаги барча байтларини ўзаро киёсан таҳлил қилинса, бу борадаги фикрлари мохияти ойдинлашади – бир байти иккинчисининг, иккинчиси учинчисининг маъносини очишга ўзига хос қалит бўлиб хизмат қилади.

Бундан маълум бўладики, Навоий теран фикрларини бадиий юксак мисраларда мураккаб бир услубда ифодалабгина қолмай, бу тилсимни очиш учун бир неча очкичлар ҳам қолдирганки, уни топиш забардаст сўз санъатқори шеърлари тадқиқотчисининг истеъдод қучи, билим даражаси, идрок қуввати, таҳайюл кудрати, таҳлил маҳоратига боғлиқ.

Шеърни нафақат адабий термин-тушунчалар ва қонуниятлар, балки шеърнинг ўзи билан ҳам шарҳлаш мумкинки, Навоийнинг бетимсол ижоди бунинг ёркин намунасидир.

Бу корхонага дахл айламак адаб эрмас,  
Не дахл кимсага, хар неки мехр этар лойих.

Лойих – очик, ошкор, кўриниб турган.

Мазмуни: “Куёшнинг нур сочишига киши дахл кила олмагани сингари, бу олам ишларига дахл килиш хам одобдан эмас”.

Тўгри-да, бандаси яратувчининг ишларидан айб кидирганидан кўра, хикмат излагани маъкул эмасми? Зеро, яратувчига эътироз – куфрга баробар. Оламдаги бизнинг кўзимизга нуксон бўлиб кўринган нарса-ходисалар, мавжудотларда хам оллох таолонинг бир хикмати мужассам – улар локал бани башарга ибрат учун яратилган.

Оламдан иллат эмас, хикмат излаш керак.

Одамдан нафратланиш эмас, ибрат олиш лозим.

Лукмони хакиmdан:

– Одобни кимдан ўргандинг? – деганларида:

– Одобсиздан, – деб жавоб берган экан.

– Одобсиздан канакасига одоб ўрганиш мумкин? – деб хайрон бўлганларида:

– У нимаики килса, ўшани килмасликка харакат килдим, – дебди.

Шунга ўхшаб, яхшидан хам, ёмондан хам бир нарсани ўрганиш мумкин: кўнгил кўзини кенг очиб каралса, яхшининг хам, ёмоннинг хам хар сўзи, хар иши, хар харакати – ибрат. Бас, оламдаги бизнинг назаримизга жирканч бўлиб кўринадиган мавжудотлар, арзимас, кераксиз бўлиб туюладиган нарсалар, бемаъни кўринадиган ходисаларнинг хам бир керакли жойи борки, улар яратилган, мавжуд, содир бўлади. Ха, дунёни ўз каричингиз билан ўлчашга шошилманг, у ҳеч қачон сизнинг каричингизга сигмайди. Шунинг учун хам шоир бир мисрасида: “... бу коргах сирри мубхам бўлуптур”, деса, бошка байтида эса, бу дунё ахволи мен учун ниҳоятда мавхум ва тушунарсиз, шунинг учун кўлимга жахонни кўрсатувчи жом тутки, эй сокий, то бу сирларни англаб етай, дейди:

Сокиё, жоми жахонбин тутки, андин кашф этай –

Ким, кўп иш бу коргах вазъида мубхамдур манга.

Маълумки, сокий бу ерда май куювчи, косагул маъносида бўлмай, тасаввуф ахли бу истилох замирида оллохни, Мухаммад алайхиссаломни, маъшукани, пир ёки комил инсонни назарда тутадилар. Сокий даврага май улашгани каби улар хам одамлар калбига илохий файз багишлайдилар, хакикий ишк ўтини соладилар, гайб маърифатидан бахраманд этадилар.

Жоми жахонбин – жахонни кўрсатувчи жом, кадах. Ривоят килишларича, кадимги Эроннинг афсонавий подшохи Жамшид “жоми жахоннамо” – жахонни кўрсатувчи жом ихтиро килган бўлиб, унда дунёдаги нафакат хозирги, балки ўтмишда юз берган ва

келажакда содир бўладиган воқеа-ходисалар ҳам акс этар экан. Май қадахи ва комил инсон калбини ҳам илохий сирларни ўзида саклаши жихатидан Жамшид жомига нисбат берадилар. Жамшид жомигадаги май ичган билан сира тугамас эмиш.

Маълум бўладики, шоир худодан илохий сирлар мохиятини англашга кодир кўнгил сўраяпти, токи, оламдаги ранг-баранг ишларнинг маъно-мазмунини тушуниб етсин.

Тасаввуф фалсафасига кўра, дунё хирсу хаваси, нафс истак-хохишлари ва жисмоний интилишлардан нажот топган кўнгил шаффоф кўзгудай яраклаб, жоми жахоннамо каби бўлар ва унда ҳамма нарса аслидагидек акс этар экан.

Бошқа бир байтида эса шоир сокийдан май билан идроки ойинасини равшан этишини сўрайди, чунки бу оламда кил учича нарса ҳам менга маълум эмас дейди:

Сокиё, миръоти идрокимни майдин равшан эт –  
Ким, эмас бу коргахда бир сари мўй мудраким.

Мудрак – тушунилган, идрок килинган, маълум.

Ойина (кўзгу) – илохий мазхар бўлган комил инсон калби. Чунки ойина деганда, оллохнинг зоти, сифатлари, исмларига ишора килинадика, уларнинг барчаси комил инсон калбида акс этади.

Сокиё, тут бодаким, кўпрак мени мабхут этар,  
Нечаким, андишаи бу корхона айларам.

Мабхут – хайрон, хайрон колувчи.

Мазмуни: “Эй сокий, май тутки, бу корхона, яъни, олам ишларини ўйлаганим сари мени кўпрок хайрон колдиради”.

Диккат килинса, шоир бу олам сир-синоатларини тушуниш учун, унинг ишларидан хайронлигини бартараф этиш учун, фикрини банд этган чигалликларни ечиш учун сокийга мурожаат килиб май, мажозий маънода эса яратувчидан маърифат сўрайди. Бу унинг тинимсиз фикрлагани, тафаккур уммонига гарк бўлгани, дунё мохияти, инсон калби сир-синоатларини билишга жуда кизикканини кўрсатади.

Бошқа бир мисрасида эса, бу дунё ахволига хайрон бўлмаган киши борми, дейди:

Кимдурур бу коргах вазъигаким хайрон эмас.

“Бу дунё бус-бутун хикмат-ку, хикмат!” деган эди буюк Абулкосим Фирдавсий муаззам “Шохнома” асарида. Навоий эса, бу хикмат сирларини излагани, унинг мохиятига етишга интилгани сари хайрат асирига айланаверади, хайрат ўтида куяверади:

Сипехр гунбади ичра нетиб кадах ичмай –  
Ки, бўлди мужиби хайрат бу корхона манга.

Мазмуни: “Бу кўк гумбази ичра нега май ичмайки, бу корхона, яъни, олам менинг хайратланишимнинг сабаби бўлиб турибди”.

Кадах ичишдан максад – маърифат зиёсини сипкариш. Бинобарин, байтнинг мазмунини шундай талкин килиш мумкин: “Бу олам бошдан-оёк мени кизиктириб, хар бир нарса хайратланишимга сабаб бўлган экан, унинг сирлари, мохиятига етиш учун нега тинимсиз изланиб, билимимни оширмай, маърифатимни зиёда килмай?!”

Бода ич, бу коргах вазъига кўп фикр этмагил –  
Ким, анга хар неча чирмашканча хайрат келтурур.

Мазмуни: “Бу дунё ишлари устида кўп фикр этгунча, май ички, унга боғланганинг сари хайрат устига хайрат келтиради”.

Яъни, яратувчининг санъатидан хайратлан, унга эътироз билдирма.

Шу ўринда, ўтмишда “хайрат” сўзининг хозирдагидек факат хайрон колиш, донг котиш, таажжубга тушишдан ташкари, иккиланиш, шубхаланиш, бирор нарсага акли етмаслик каби маънолари хам бўлганлигини эса тутиш лозим. Демак, Навоий хайрат хақида гапирар экан, оллох ва олам мохиятини англаб етишга аклининг ожизлиги, кўнглини баъзида шубха-иккиланиш, ташвиш-тараддуд чулғаб олганини хам изхор этган. Демак, Навоийнинг хайрати бошка.

Келтирилган байтда хам “Борлик мохияти, сир-синоатини ўйлаганинг сари ўзининг ожизлигини тушуниб етасан, бинобарин, дунё ишлари хақида кўп беҳуда фикр этма-да, маърифатингни ошириш пайдан бўл (ўшанда барча хақиқатлар юзидан парда кўтарилиб, кўз ўнгингда илохий сирлар намоён бўлади)” деган фикрни илгари сурган.

Ўз даврининг фозил кишиси сифатида Навоийнинг оллохнинг зоту сифатларини идрок этиш, олам мохиятини англаш, инсон калби сир-синоатларини билишга, хаёт маъноси, инсон умрининг мазмунини тушунишга интилгани, табиий. Лекин, у ўзининг бу борадаги билим ва хулосаларидан коникмаган, имкон қадар кўпрок нарсани билишга уринган – унинг коргах, корхона тушунчалари билан боғлиқ байту мисралари билишга чанкок кўнгилнинг хайрату хаяжонлари, тафаккур ва тахайюллари, эътирофи ва икроридир.